

ЎЗБЕКИСТОНДА НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ашуров Дилшод Рустамович

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

E-mail: adr@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10554326>

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистонда нотариал фаолият шаклланиши ва ривожланишига оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Шу маънода муаллифнинг фикрича Ўзбекистон ҳудудида нотариал фаолият, унинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда қуйидаги 3 босқичга бўлиш мумкин: шариат қоидалари амалда бўлган давр; чор мустамлакаси ва собиқ Совет иттифоқи даври; мустақилликдан кейинги давр. Мамлакатимизда нотариат институти узоқ тарихга эга эканидан, бу жараён мусулмон ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топганидан далолат беради. Мазкур тадқиқот асносида юртимиз ҳудудида нотариал фаолият, унинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга эгаллигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Нотариат, шурут, васиқа, қози, расмий ҳужжат, нотариал ҳужжатлар, институт, ўзбек, давлатчилик, тарих.

Нотариат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилишини таъминлайди.

Нотариал идораларнинг ўзига хос бўлган, бошқа маъмурий идоралардан фарқ қилувчи жиҳатларидан бири низосиз муносабатларни ҳал этишидир. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни бажариш вақтида бевосита фуқароларнинг ўзлари билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, қандай мақсадда нотариал идорага мурожаат этганлигини аниқлайдилар. Нотариус томонидан бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракатлар қонунга зид бўлмаса, бошқа шахсларнинг манфаатларига путур етказмасагина уни амалга оширадилар. Бу билан нотариал идоралар фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Мамлакатимизда нотариат тарихи мавзусидаги изланишлар нотариал идоралар фаолияти узоқ тарихга эга эканидан, бу жараён мусулмон ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топганидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудида нотариал фаолият, унинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда қуйидаги 3 босқичга бўлиш мумкин:

- *шариат қоидалари амалда бўлган давр;*
- *чор мустамлакаси ва собиқ Совет иттифоқи даври;*
- *мустақилликдан кейинги давр.*

VIII асрдан то чор мустамлакаси даврига қадар мамлакатимиз ҳудудида асосан шариат қоидалари амалда бўлган. Жумладан, ҳозирги кунда давлат нотариуслари томонидан ҳал этилаётган гаров шартномаси Мухтасарнинг 89-бобида, ижара шартномаси 82-бобда, кафиллик, кафолат масалалари 92-бобда ёритилган. Айни ҳолат нотариат

тизими юртимизда ўзига хос тарихга эга эканлигини тасдиқлайди. Айниқса, ўша вақтларда шариат қоидалари асосида ворислик масалаларини муайян тартибга риоя этган ҳолда расмийлаштириш талаб этилган [1].

Шариат манбаси Қуръони Каримнинг “Нисо” сураси 7-оятида, ҳозирги кунда ҳам нотариуслар фаолиятида энг мураккаб нотариал ҳаракатлардан бири – мерос ҳақида: “Эркаклар учун ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу улушлар озми-кўплигидан (қатъи назар) фарз қилинган ҳақлардандир”; 11-оятда: “Аллоҳ фарзандларингизга бир ўғил учун икки қиз баробарида мерос беришни амр қилур”; 12-оятда: “Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан, агар улардан фарзанд қолмаган бўлса – ярми тегур” – мазмунида ҳукм оятлари баён қилинган. Қуръоннинг мазкур сурасидаги қоидалар, тарихий материалларнинг кўрсатишича, инқилобга қадар Туркистонда амал қилиб келган. Шунингдек, 11-оятнинг давомида марҳумнинг васияти ва қарзлари адо этилгандан сўнггина меросни тақсимлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилади [2].

“Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 57-моддасида ушбу ҳолатнинг умумий жиҳатлари сақланиб қолганининг гувоҳи бўламиз. Унга кўра нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунига қадар, иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштириладиган даъволарни қаноатлантириш, мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш билан боғлиқ харажатларни ва қонунларда мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплаш ҳақида фармойиш бериши кўрсатилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар ва бошқа тарихий манбаларга таяниб айтиш мумкинки, шариат ва одат нормалари асосида иш кўрилган замонларда нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи махсус шахслар бўлмаган. Бироқ, низоли ишлар ёки шикоятлар қозилар томонидан гувоҳлар иштирокида ҳал этилган. Бундай ҳолларда қозилар мазмунан нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширганлар. Бундай ҳолат Хоразм давлатчилиги тарихида ҳам кузатилади. Ўша вақтларда фуқаролар ўртасидаги муносабатлар одат нормалари билан тартибга солиниб, бу нормалар ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатларга бўлинган. Ҳуқуқий одатлар давлат томонидан тан олиниб, юридик кучга эга бўлган.

Тарихчи олим И.Бекмирзаев X-XIII асрларда Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида юритилган расмий ҳужжатларга оид манбаларда акс этган процессуал ва нотариал ҳужжатлар, ўзбек давлатчилиги тарихида қозилик инстанциясининг шаклланиши, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда расмийлаштирилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар процессуал аҳамиятга эга – маҳзар, сижил ҳамда нотариал – шурут ҳужжат турлари алоҳида ажратилганлигини қайд этади.

Шунингдек, у X-XIII асрларга хос канцеляризм ва формулярлар генезиси, процессуал ва нотариал ҳужжатларни расмийлаштириш тамойиллари ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш механизмлари амалда мавжуд бўлганлигини таъкидлайди [4].

Архивда сақланаётган ҳужжатлар ўлкамизнинг нотариал идоралар тарихи ўзига хос бой тажрибага эга эканини кўрсатади. Чунончи, Қўқонда 1890 йилдан бошлаб расмийлаштирилган нотариал ҳужжатлар аниқ ва равшан тузилганлигини таъкидлаш мумкин. Бажарилган ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан реестр дафтарига қайд этилган, нотариал ҳаракатнинг тури, ундирилган давлат божи,

нотариал ҳужжатни олганлик ҳақида мурожаат этган шахснинг имзоси реестр дафтарида нотариус томонидан тўғри қайд қилинган.

Хива хонлигида VII-VIII асрларда феодаллар ерларини тортиқ сифатида эмас, балки сотиб олишга ҳаракат қилиб, хусусий мулк сифатида бир томондан феодал иштирокида “битим” тузилган. Бундай ерлар мулки-хурри холис деб аталиб, барча солиқлардан озод қилинган. Битимлар давлат номидан расмийлаштирилган, шунинг учун битимни расмийлаштирган қозининг ҳузурида хоннинг ўзи ҳам шахсан иштирок этган. Битимни қози расмийлаштиргач, қози томонидан ерни давлатдан сотиб олгани ҳақида васиқалар берилган.

Юртимизда ислом ҳуқуқи амалда бўлган даврда нотариат институтининг функционал вазибалари шурут билан тартибга солинган. Шурут бу ҳуқуқий шартномалар ва уларни тузишни ўргатадиган, шартномаларни қонуний расмийлаштириш бўйича ишлаб чиқилган, аниқ бир ўзгармас низомга солинган қоидалар мажмуаси бўлиб, бу кенг маънода фикҳда келтириладиган барча турдаги ақдлар, келишувлар, васиқалар, вақф ва бошқа расмий қози ҳужжатларини расмийлаштириш қонун-қоидаларидир. Шурут илми таркибига кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган маҳзар ва сижилл – баённома, қайд ва рўйхат, реестр, архив ҳужжатларини тузиш ҳам киради. Усманийлар (1281-1924) даврида мазкур соҳани умумий ном остида илм ас-сукук – сакк илми ҳам дейилган.

Шурут илми атама ва назария сифатида илк бор Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “ас-Сийар ал-кабир” асарида тилга олинган. Ҳанафийликдаги шурут илмига оид энг йирик ва эътиборли асар Абу Жаъфар ат-Таҳовий қаламига мансуб бўлиб, унинг икки асари – “Жомеъ ал-кабир фи-ш-Шурут” ва “Жомеъ ас-сағир фи-ш-Шурут” ушбу мавзуга бағишланган. Бундан ташқари, ҳанафийликда Абу Наср ас-Самарқандий қаламига мансуб “Китоб аш-Шурут ва-л-Васоик” асарини кўрсатиш мумкин.

Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмида суд тизими ўзгариб, жиноий ва фуқаролик ишлари алоҳида-алоҳида шахслар томонидан ҳал этилган. Жиноий ишларни беклар ва қушбегилар кўриб ҳал этган. Қозилар эса фуқаролик ишларини кўриб, бунда оила, ер, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолатлардан келиб чиқадиган низоли ва низосиз муносабатларни ҳал этганлар ва бу билан улар қисман нотариус вазибасини ҳам амалга оширганлар [5].

Марказий давлат архивдаги ҳужжатларни ўрганиш шундан далолат берадики, нотариал идоралар томонидан бажарилган ҳаракатларни шариат нормаларига кўра, қозилар бажариб келганлар. Қозиларнинг фаолияти суд тизими билан боғлиқ бўлгани боис, ўша вақтда топилган ҳужжатларни суд-нотариал ҳужжатлари, деб номлаш жоиздир. Хусусан, Тошкент шахрининг XIX асрга оид расмийлаштирилган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Кўкча даҳасида фаолият юритган қози мулла Боймирза қози ибн Мирзо Оғали томонидан васиқаларни қайд этиш дафтарида 497 та ҳужжат расмийлаштирилгани мазкур масалага ўша даврда жиддий аҳамият берилганини кўрсатади. Бу манбаларда савдо-сотиққа оид, закат, даъводан воз кечиш, иқдор бўлиш ҳақидаги аризалар, ер эгалиги, турар жойлар ва бошқа кўчмас мулклар сотиб олингани ҳақида битимлар ва меросни тақсимлашга оид ҳужжатлар мавжудлиги аниқланди. Буларнинг барчаси юртимизда XX асрга қадар нотариал идоралар ўзига хос йўлни босиб ўтганидан

далолат беради.

Қозилар томонидан бажарилган нотариал ҳаракатларнинг ўта синчковлик билан амалга оширилганини тасдиқловчи яна бир тарихий ҳужжат олим Б.Иброҳимов томонидан 1982 йилда “Мажмаъ ул-васоик” асари асосида нашр этилган “Васиқалар тўплами”дан жой олган. Китобда XVI асрда Самарқанд вилояти ҳудудида тасдиқланган васиқалар жамланган. Жумладан, васиқалардан бирида қуйидагилар ёзилган: “Жумодул аввал ойининг йигирма бешинчи куни ҳижрий 998 йили (1590 йил 2 апрель)да мулло Мирзо Муҳаммад ибн мулло Муҳиб Али шариатда тўғри қарор қилдики, тубанда ёзилган ишлар тўғрисида қозиларнинг қозиси, одил ҳоким, Самарқанд шаҳрининг ҳамда унга қарашли вилоятлар қозисининг ноиби томонидан расмийлаштирилиб, менга берилган ваколатномага биноан, мен сағира Фотима исмли устод Ҳизр гилкор қизининг ишларини тўғрилаш учун васий қилиб тайинланган эдим. Шунга биноан, мазкур сағиранинг мамлакати шоҳий ерида қурилган, баланд-паст уйлардан иборат ҳовлисини, ҳамма ускуналари билан фазилатлик ҳофиз Вали ибн мулло Исмоилга эллик беш дона янги, бир мисқоли ўттиз динорлик, соф қумушдан зарб қилинган, ярми йигирма етти ярим хоний танга бадалига сотдим. Ҳовлининг тўрт томон чегараси аниқ бўлиб, ғарб тарафдан Оғабек ака қизининг ҳовлисига, шимол тарафдан мулло Мирзо Муҳаммад ибн мулло Аҳмад ҳовлисига, шарқ тарафдан умумий йўлга ва жануб тарафдан боши берк кўчага туташган бўлиб, ҳовлига кириш йўли ҳам ўша томонда. Шариат қонунига мувофиқ, ҳар икки томон, яъни сотувчи пулни, харидор ҳовлини олдилар ва қабул қилдилар. Савдо адолатли бўлиб, ҳар қандай бузуқлик, ҳийла, алдашлардан холидир. Мулло Боқи фарзандлари гувоҳлик беришларича, мазкур сотилаётган ҳовли кун сайин хароб бўлиб бормоқда ва сағирларнинг нафақаси учун бошқа манба йўқ, шунинг учун мулкнинг сотилиши сағиранинг фойдасига бўлиб, ушбу муомала эътиборли кишилар ҳузурида иқдор ва тасдиқ қилинди”.

Ушбу васиқа ҳуқуқий жиҳатдан мукамал тузилиб, унда ҳовлининг жойлашган манзили, чегаралари тўлиқ баён этилган. Вояга етмаган шахс номидан нотариал ҳаракатни амалга оширган шахснинг васий этиб тайинлангани ҳужжат билан тасдиқлангани васиқа матнида ёритилган, нотариал ҳаракатни бажарган қози эса, ушбу ҳаракатни амалга ошириш жараёнида вояга етмаган меросхўрнинг манфаатларига путур етказмасликка ҳаракат қилгани, бунинг учун гувоҳларни ишга жалб этгани кўринади. Бу ҳолат эса шариат нормаларига таяниб иш кўрган қозиларнинг нотариал ҳаракатни амалга оширишда кўпроқ гувоҳларнинг берган кўрсатмаларига таяниб иш кўрганидан далолат беради [6].

Юқорида баён қилинганлар мамлакатимизда нотариат институти узоқ тарихга эга эканидан, бу жараён мусулмон ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топганидан далолат беради. Мазкур тадқиқот асносида юртимиз ҳудудида нотариал фаолият, унинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга эгалигини кўрсатади.

References:

1. Бурханиддин Маргинани. Хидоя комментарии мусульманского права. –М.: Волтерс Клувер, 2008. – Часть 2.С. 274.

2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент, 2009. – Б. 223–388.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон. <https://lex.uz/docs/54458>
4. Бекмирзаев И.И. X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлари:Тарих. фан. док. дис. – Т., 2018. Б.4.
5. Султонова Т.С. Ўзбекистон Республикасида нотариат тўғрисидаги қонунлар ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз . дис. – Т., 2008. Б.46.
6. Султонова Т. Шариат қоидалари ва нотариал ҳаракатлар: уларнинг айрим жиҳатлари хусусида.// <http://huquqburch.uz/uz/view/690>